Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 1-mart, shanba № 28 (3377)

Жамиятдаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш аввало инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилмоғи даркор.
Ислом КАРИМОВ

Бугун шиддат билан ривожланиб бораётган тезкор даврда барча соҳаларда ўзига хос янгиланиш ва ўзгаришлар юз бермоқда. Мамлакатимиздаги энг йирик ва оммавий жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмалари тизимида меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш йўлида дадил қадамлар қўйилганлиги буни яна ва яна тасдиқдан ўтказаётир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойидан сўнг фаолиятни такомиллаштириш мақсадида бошланган ишлар ходимларнинг энг яқин кўмакчиси бўлган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ишини жадаллаштириш билан бирга, уларнинг фаолият доирасини ҳам кенгайтирди. Касаба уюшмалари тизимида 2011 йилдан буён ўтган давр мобайнида босқичма-босқич амалга оширилган такомиллашув натижасида бугун асосини тармоқ тамойили ташкил этувчи ихчам ва ишчан тизим яратилди.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VI Қурултойида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2011 йил январ ойидан 2014 йил январ ойигача бўлган фаолияти ва тизимдаги такомиллашув самараси таҳлил этилиб, келгусидаги устувор вазифалар хусусида кенгашиб олинди.

Тизимдаги такомиллашув меҳнат аҳли манфаатига хизмат қилмоқда

— Давр талабларига ҳамоҳанг ва ҳамқадам фаолият олиб бориш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир, — деди ўз маърузасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева. — Бугун республикамиздаги ҳар бир давлат, нодавлат ташкилотлари қатори Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган мамлакатни демократлаштириш бўйича «ўзбек модели»нинг босқичма-босқич ҳамда изчиллик билан амалга оширилишида ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган.

Ўтган 3 йил давомида фаолиятни такомиллаштириш борасидаги амалга оширилган ишлар натижасида ҳар бир тармоқ ва ҳудудлар миқёсида тузилувчи келишувлар, уларда қўйиладиган вазифалар, олинаётган мажбуриятларнинг умумреспублика манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилиниши ва йўналтириб борилишини таъминловчи ягона тизим яратилди.

Ушбу йўналишда 2011 йил феврал ойида Вазирлар Маҳкамаси, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдосаноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011-2013 йиллар учун Бош Келишувнинг имзоланиши касаба уюшмалари фаолиятини тубдан ўзгартиришда дастлабки қадам бўлди. Бош келишув асосида барча тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари қайта кўриб чиқилиб, уларга янги йўналишлар — аёллар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга оид қўшимча имтиёзлар, ратификация қилинган Конвенциялар бажарилишини таъминлашга қаратилган вазифалар, бошланғич ташкилотлар раисларини корхона, ташкилот, муассасаларнинг қарорлар қабул қилувчи бошқарув органлари, комиссиялари таркибига киритилиши масалалари акс эттирилишига эришилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жамоа шартномаларининг ижтимоий йўналтирилган таркибий қисми кучайтирилиши натижасида, уларда кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун ўрта ҳисобда бир ходимга сарфланган маблағ миқдори ўтган уч йил давомида 2,2 бараварга ошиб, ҳар бир ходимга иш ҳақидан ташқари жамоа шартномалари орқали сарфланаётган маблағ миқдори ўртача 1 млн. 155 минг сўмга етди.

Ўтган даврда ижтимоий йўналтирилган йил дастурлари доирасида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 532 минг 393 нафар ходимлар ва оилаларга 145 млрд. 287 млн. сўмлик ижтимоий кўмак чоралари қўлланилди. Энг муҳими, жамоа келишувлари ва шартномаларини тузиш бўйича музокаралар олиб бориш, уларнинг бажарилиши бўйича муҳокамаларни ўтказиш тизими йўлга қўйилиб, касаба уюшмалари фаолияти очиқлиги ва ошкоралиги таъминланмоқда.

Таъкидлаш зарурки, жамоа шартномалари бажарилишини муҳокама қилиш жараёнида меҳнаткашларнинг фаоллиги кескин ошди. Буни «Қувасойцемент», «Олмалиқ кон-металлургия комбинати», «Шаҳрисабз пахта тозалаш», «Ўзметкомбинат», «Сирдарё ИЭС», “Қизилқумцемент», «Косонсой пахта толаси», «Тошкент трактор заводи», «Жарқўрғоннефт», «Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятлари, «Тошкент халқаро аэропорти» ва «Сувсоз» Давлат унитар корхоналари, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» каби кўплаб корхоналар мисолида кўриш мумкин.

Тизимни такомиллаштириш жараёнида жамоа шартномалари ва келишувлари таъсирчанлигини ошириш, бу орқали меҳнат аҳли ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, нодавлат сектор корхоналарининг касаба уюшмалари хизматига олиниши, касаба уюшма ташкилотлари тузилган хусусий корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар, чет эл сармояси иштирокидаги корхоналарда жамоа шартномалари қабул қилиниши, уларнинг бажарилиши муҳокамасини тўлақонли ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ҳисобот даврида касаба уюшмаларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий шериклигини кучайтириш масаласи ҳам доимий диққат марказида бўлди. Хусусан, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига доир масалалар билан шуғулланувчи кўпгина давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги ишлар натижасида 2011 йилда 14 та, 2012 йилдан бошлаб эса 30 га яқин давлат, нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Энг муҳими, ушбу ҳамкорликнинг вилоятлар, туманлар, айрим ташкилотлар билан эса бошланғич ташкилотлар даражасида олиб борилишига эришилди.

Жамоа шартномалари бажарилишини таҳлил этиш жараёнида меҳнаткашлар томонидан кўтарилган масалалар хусусида бевосита фикр алмашиш мақсадида ҳар йили вазирликлар, ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари иштирокида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилишининг йўлга қўйилиши ходимлар томонидан билдирилган масалаларнинг жойида ҳал этилиши имконини бермоқда. Жорий йилдан бошлаб мазкур давра суҳбатларининг нафақат вилоятлар, балки туманлар миқёсида ўтказилишининг йўлга қўйилиши масалалар ечимининг янада самарали бўлишини таъминламоқда.

Касаба уюшмалари тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида давр талабига монанд фаолият кўлами ҳам кенгайди. Бугун касаба уюшмалари аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигинини таъминлашда фаол иштирок этмоқда. Касаба уюшмалари томонидан янги иш ўринлари яратилиб, чекка ҳудудлар аҳолиси бандлиги таъминланишига муносиб ҳисса қўшилмоқда. Айниқса, янги иш ўринларини яратиш дастурларига биноан янги иш ўринлари, шу жумладан, ёшлар учун яратилаётган иш ўринлари ҳаққонийлигини мониторинг қилиш тизимининг йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган уч йил мобайнида 9 минг 609 та корхона ва ташкилотда 84 минг 780 та янги иш ўрни ҳақиқатда яратилгани ўрганиб чиқилди. Бу борадаги ҳар бир ҳолат бўйича Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, жойлардаги бандликка кўмаклашувчи марказлар билан биргаликда тегишли хўжалик раҳбарларига кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўз иш жойларида қўнимлилигини таъминлаш мақсадида касаба уюшмаларининг доимий жамоатчилик мониторинги олиб борилмоқда. Хусусан, ҳисобот даврида касаба уюшма ташкилотлари томонидан 177 минг 557 та корхонада 593 минг 483 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишга жойлашганлиги ва у ерда ишини давом эттираётганлиги мониторинги йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижтимоий-адолатли тизими йўлга қўйилган бўлиб, иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишлардаги ишларга ҳисса қўшиш мақсадида касаба уюшмалари томонидан жойларда энг кам иш ҳақи стандартларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткасининг бошланғич разряди этиб биринчи разряд белгилангани, нолинчи разряд бекор қилингани, республиканинг барча ташкилотларида меҳнат ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряддан кам бўлмаган ҳолда белгилангани муносабати билан барча жамоа шартномалари ва келишувларида ушбу талаб акс эттирилишига эришилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги «Elite Stars Textile» масъулияти чекланган жамиятида пахта толасидан сифатли калава ип ишлаб чиқарилмоқда.

БИТИРУВЧИЛАР УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИ

Ўтган йили корхонада 2233,6 тонна маҳсулот тайёрланиб, унинг салмоқли қисми экспорт қилинди. Бу ерда меҳнат қилаётган 174 ишчининг 102 нафари коллеж битирувчиларидир.

Корхона раҳбари Йўлдош Матниёзовнинг айтишича, жорий йилда яна 60 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Бунинг учун коллежлар билан уч томонлама шартномалар тузилган.

Суратларда: ишчилар Манзура Дўстжонова, Узоқбой Назарханов ва Барно Абдуллаева.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Семинар

Жиззахда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг шаҳар, туман кенгашлари раислари иштирокида амалий семинар-машғулоти бўлиб ўтди.

Қизиқарли ва мазмунли

Унда корхоналардаги локал ҳужжат — жамоа шартномалари ижроси ҳамда янги қабул қилинажак ҳужжатларда қайси жиҳатларга эътибор қаратилиши, касаба уюшмалари тизимида олиб борилаётган изчил ва амалий фаолиятга атроф-лича тўхталиб ўтилди.

Анжуманда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири Ў.Адилов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг масъул ходими Т.Ниёзов, тармоқ Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси А.Турсуновлар иштирок этиб, сўзга чиқди.

Касаба уюшма фаоллари ўзларини қизиқтирган саволларга атроф-лича жавоб олишди.

Абдуманнап АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

2 март — Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун

Мустақиллигимизнинг халқаро эътирофи

Давлат мустақиллигининг асосий белгиларидан бири унинг халқаро миқёсдаги эътирофидир.

Ўзбекистон истиқлолга эришганидан атиги олти ой ўтиб — 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Йигирма икки йилдирки, БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида давлатимиз байроғи мағрур ҳилпираб турибди.

Мамлакатимиз тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъатни ривожлантириш борасида БМТ билан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низомида халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, тинчликка таҳдидларнинг олдини олиш, адолат ва халқаро ҳуқуқ принципларига риоя этган ҳолда халқаро мунозаралар ёки низога олиб келувчи ҳолатларни ҳал этиш Ташкилотнинг асосий мақсади эканлиги белгиланган. БМТ Бош Ассамблеясининг илк резолюцияси ҳам дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан амалга оширилаётган мамлакатимизнинг тинчликпарвар сиёсати бу эзгу мақсад ва вазифаларга тўла мосдир. Хусусан, 1993 йилда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш ташаббуси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо мамлакатлар, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро институтлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди. Марказий Осиёнинг шундай ҳудудга айланиши тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига юксак ҳисса бўлиб қўшилди.

Давлатимиз раҳбарининг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал қилиш, Орол муаммосини бартараф этиш, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш борасидаги таклиф ва ташаббуслари нафақат минтақа, балки глобал миқёсда ҳам муҳим масалалар сифатида эътироф этилди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил сентябр ойида ўтган Мингйиллик саммитида халқаро терроризм ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, БМТ фаолияти ва унинг таркибий тизимини ислоҳ қилишга доир таклифларни билдирди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилги Истанбул саммитида БМТ ҳузурида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш ғоясини илгари сурди. 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида терроризмга қарши кураш қўмитасининг ташкил этилиши бу ғоянинг амалдаги натижаси бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун мамлакатимиз тинчликсевар сиёсатининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Мазкур концепцияда Ўзбекистоннинг ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслиги, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги, давлатлараро алоқалар ва ҳамкорликни фақат икки томонлама асосда ташкил этиши баён қилинган.

Мамлакатимиз БМТ билан турли йўналишларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Юртимизда унинг қатор таркибий тузилмалари — Тараққиёт дастури, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси, Таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи органи ваколатхоналари фаолият кўрсатаётир.

Ўзбекистонда аҳоли соғлигини сақлаш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилмоқда. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва уларнинг минтақавий филиаллари, кўп тармоқли шифохоналар, оилавий поликлиника ва замонавий қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада).

1 март — Зулфия таваллуд топган кун

«Бахмал водийларда, қирларда баҳор...»

Яна баҳор келди. Майин эсган сарин саболардан кўклам даракчилари кўз очди. Ушбу фаслни ҳаммадан-да соғинч ила кутган қушлар мангулик қўшиғини бошлади. Шивирлаб майсалар барг ёзди. Офтобрўй жойлар бинафшалар атридан гавжумлашиб, ариқ бўйларида ялпизлар қуёшга юз тутди. Тилга шеър келди:

Салқин саҳарларда бодом гулида,
Бинафша лабида, ерларда баҳор.
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,
Бахмал водийларда, қирларда баҳор...

Ҳа, ҳар йили шундай бўлади: кўкламнинг биринчи куни баҳорга эгизак дилбар шоира Зулфияхонимни алоҳида ҳурмат, ўзгача фахр-ифтихор билан ёдга оламиз.

Баҳор элчиларига монанд шоиранинг ҳассос қалби гўё «қуёшдан узилган» бир ҳовуч нур янглиғ она Ватанига, халқига боғланиб кетади. Эътибор берган бўлсангиз, Зулфияхоним шеърларида гуё она алласидек сирли ва муқаддас, мунгли ва азиз оҳанг яширин, ўқиб қадрдонингизни топгандек, кўнглингизда қувонч энтикади. Ҳар сатри баҳор насимларидек ҳаётбахш.

Сарғаймас баҳордек диёрим
Қадамин ларзасин илгай мен.
Яшартиб бу кўҳна дунёни
Довруғлар солганин билай мен.

Фақат ҳақиқий шоирларгина олам ва одам қалбини ана шундай теран ҳис қилиб, гўзаллик ва эзгулик нурларига ошуфта яшайдилар. Дилбар шоиранинг ҳаёти эзгулик сарчашмасига ўхшайди. Уни англаганинг сайин янги-янги қирраларини кашф этиб, ҳаётининг ҳар лаҳзасида кечган маънавий жасоратига таҳсин айтасан.

Зулфияхоним гўё бу оламга эзгулик, гўзаллик ва маънавият излаб келганга ўхшайди. Ҳаётдан топганини қалб туғёнларига қўшиб нур мисол, гул мисол она халқига тутади. Шу боис унинг мероси сўз уммони ичра алоҳида эътибор билан яшайди.

Зулфияхонимнинг маънавий жасорати ҳақида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида қимматли фикр-мулоҳазалар баён этилган: «Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган ардоқли шоирамиз Зулфияхонимни ҳам мен шундай фидойи инсонлар қаторига қўшган бўлардим. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърият мухлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган, десак муболаға бўлмайди.

Лекин бу мураккаб ҳаёт қалби ўз халқи ва Ватанига меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошган, дунёдан эзгулик ва гўзаллик излаб яшаган бу аёлни ҳамма вақт ҳам аягани йўқ. Аслида, бу дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби барчанинг ҳам бошида бор. Аммо ғам-андуҳ ва ҳасратларни матонат билан енгиб тоғдек бардоши билан вафо ва садоқат рамзига айланган Зулфия опа сингари аёллар ҳар қандай юксак ҳурмат ва эътиборга муносибдир».

Дарҳақиқат, халқимизнинг аёлга бўлган эҳтироми севимли шоирамиз Зулфияхонимга кўрсатилаётган эъзоз ва эътиборда намоён бўлмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб, уларни янги ижодий ютуқлар сари илҳомлантирмоқда. Тошкент шаҳрида ўрнатилган Зулфияхоним ҳайкали эса улуғ шоирага кўрсатилган ҳурмат ва эъзознинг ёрқин ифодасидир.

Эъзозлар, ардоқлар учун ташаккур.
Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман.
Тонгларингиз кулсин дориломон, ҳур,
Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман.

Шоиранинг қалби ва руҳи истиқлолдан қувват олиб, янада юксакка кўтарилиб, она халқи, Ватани ҳақида гавҳардек бебаҳо ана шундай шеърлар яратди. Зулфияхоним нафақат гўзал шеърияти, балки юксак маънавияти, бетакрор маданияти, ўзбекнинг доно оналарига хос меҳри ва зукколиги, садоқати ва вафоси, қўйингки, барча гўзал инсоний фазилатлари билан қизларга ҳамиша ибрат бўлиб яшайверади.

УМИДИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

Эзгуликдан ҳайкал қурсанг, дунё турганча тургай, дейди донишмандлар. Зулфияхоним эзгуликка йўғрилган ижоди, маънавий жасоратга тўла ҳаёти билан ибрат мактабини яратиб кетди. Президентимиз ташаббуси билан 1999 йилда таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти қанчадан-қанча зукко қизларнинг қалбида эзгулик уруғини, тафаккур зиёсини сочиб, уларни ижод, илм-фан, касб-ҳунар, спорт соҳаларида ўз истеъдодларини намоён этишга руҳлантирмоқда. Ҳозирга қадар 196 нафар навниҳол она Ватан эътирофини фахр-ифтихор билан, қуёшнинг бир парчаси мисол кўкрагига тақиб юрибди.

(Давоми 4-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 1-mart № 28 (3377)

Тизимдаги такомиллашув меҳнат аҳли манфаатига хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ҳисобот даврида қонунчиликда касаба уюшмаларининг меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилишида қатнашиш соҳасидаги ҳуқуқидан фойдаланиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ қабул қилиниши режалаштирилаётган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар диққат марказида бўлди. Хусусан, ўтган 3 йил давомида 41 та қонун лойиҳаси касаба уюшмалари юридик хизмати томонидан экспертизадан ўтказилди. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ 104 та қонуности ҳужжати, меҳнатни муҳофаза қилишга оид 137 норматив-техникавий ҳужжат лойиҳалари юзасидан тегишли таклиф ва хулосалар киритилди.

Ҳисобот даврида фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилди. Натижада, ўтган 3 йил мобайнида фуқаролардан турли даражадаги касаба уюшма органларига келган 40 минг 340 та мурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Меҳнаткашларнинг касаба уюшмаларига тўғридан-тўғри боғланишига имкон яратиш, доимий ва сифатли ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишини кафолатлаш мақсадида Федерация Кенгаши ва аъзо ташкилотларда 26 та махсус «Ишонч телефонлари» хизмати жорий этилди. Аҳамиятли томони шундаки, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий билимлари даражасини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳасида олиб борилган ишлар самараси ўлароқ, бугун ходимларнинг меҳнат қонунчилиги бўйича билим ва кўникмалари ортиб бормоқда.

Касаба уюшмалари томонидан ходимлар ҳуқуқини тиклашнинг амалий чоралари тобора кенг қўлланилиши натижасида биргина 2013 йилда судларга киритилган 44 та даъво аризаси ва 448 та тақдимнома қаноатлантирилди. 800 нафардан ортиқ шахснинг ҳуқуқлари тикланди.

Қурултойда юқори технологиялар ҳаётга кенг кириб келаётган бугунги кунда ходимларнинг иш жойлари хавфсизлигига бўлган талаб ортиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди. Содда қилиб айтганда, ҳар бир меҳнаткаш ишга соғ-омон келиб, ишдан сўғ оиласи бағрига соғ-омон қайтишни хоҳлаши, бу борада касаба уюшмалари зиммасига алоҳида масъулият юкланиши қайд этилди.

Бундан келиб чиққан ҳолда, ўтган даврда жамоа шартномаларига меҳнат муҳофазаси бўйича 1 млн. 186 мингдан ортиқ тадбирлар киритилиб, уларнинг 1 млн. 130 мингдан ортиғи ёки 95,2 фоизи бажарилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун сарфланган маблағ миқдори 338 млрд. 810 млн. сўмни ташкил этгани ходимлар меҳнати муҳофазасига кўрсатилаётган эътибор ортиб бораётганлигининг ёрқин далилидир.

Ҳисобот даврида касаба уюшмалари томонидан 19 мингдан зиёд корхона, ташкилотларда меҳнат муҳофазаси қоида ва меъёрларига риоя этилиши ҳолати ўрганилишига эришилди. Аниқланган камчиликларнинг аксарияти касаба уюшмаларининг талаби билан бартараф этилди.

Меҳнат муҳофазаси соҳасида касаба уюшмаларининг асосий эътибори меҳнатда шикастланиш ва касб касалликлари профилактикасига қаратилгани, қуйи ташкилотлар учун ишлаб чиқилган тавсиявий характердаги жамоа шартномалари макетларида бюджет ташкилотлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилишга қўйиладиган талабларнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинганлиги бу борадаги ишлар таъсирчанлигини таъминламоқда.

Давлатимиз раҳбари одамларни рози қилиш масаласини доимо таъкидлайдилар. Касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш худди шу масалага йўналтирилганлиги билан янада аҳамиятлидир. Касаба уюшмалари тизимида ушбу жараён, маълумки, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали амалга оширилади.

Шу мақсадда бошланғич ташкилотлар учун енгиллик ва қулай иш шароитлари яратилиши, касаба уюшмалари тузилмасидаги юқори ва ўрта бўғин органлари функцияларидаги чалкашликлар ва такрорийликни бартараф этиш, тизимдаги ортиқча қоғозбозликка барҳам бериш бўйича аниқ ва самарали ишлар амалга оширилди. Юқорида таъкидланганидек, ҳисобот даврида касаба уюшмалари тизимини тубдан такомиллаштириш йўлидан бориб, иқтисодий жиҳатдан кучсизланиб қолган касаба уюшмалари бирлаштирилди, ҳудудий бирлашмаларнинг функцияларини такрорлайдиган касаба уюшмалари ҳудудий кенгашлари ҳамда соҳа бўйича республика бирлашган қўмиталар фаолияти тугатилди. Натижада, тармоқ касаба уюшмаларининг аксариятида ихчам, 2 бўғинли тузилма жорий этилди.

Бошланғич ташкилотлар таклифларини инобатга олган ҳолда аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмалари аъзолари ва уларнинг яқин қариндошларини санаторий, дам олиш уйларида соғломлаштириш ҳамда дам олдириш тизими яратилди. Шу билан бирга, йўлланма учун меҳнаткашлар томонидан тўланадиган қисман тўлов 50 фоиздан 45 фоизга туширилди. Тизимда амалга киритилган мазкур янгиликлар натижасида 2011-2013 йилларда 27 мингдан ортиқ меҳнаткашлар касаба уюшма бюжети ҳисобидан санаторий, дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар билан таъминланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатишнинг аниқ тизими жорий этилиши ўтган уч йилда Федерация Кенгаши, касаба уюшмалари Марказий кенгашлари, ҳудудий бирлашмалар томонидан 6 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, тегишли масалаларни ижобий ҳал этиш имконини яратди. 2013 йилда қабул қилинган «Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш дастури» ижросини таъминлаш доирасида бошланғич ташкилотлар раисларининг 70 фоизи корхона, ташкилотларнинг бошқарув органлари, комиссиялари таркибига киритилиб, бугунги кунда улар ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига оид қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этмоқдалар.

Ҳисобот даврида нодавлат сектори корхоналарини касаба уюшмаларига жалб этиш тенденцияси кучайиб, янги касаба уюшма ташкилотлари тузилган шундай корхоналар сони 2007-2010 йилларга нисбатан 2 баробарга ортди ва 12 мингтани ташкил этди. Уларда меҳнат қилаётган қарийб 200 минг ходимнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди.

Ҳисобот даврида меҳнаткашлар ўртасида маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт ишлари сифати ва самарасини ошириш, ушбу ишларни амалга оширишнинг янги шакллари, услубларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, корхона, ташкилотларда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан «Маънавият соатлари»ни ўтказиш тизими жорий қилиниб, унинг асосий мақсади давлатимиз томонидан олиб борилаётган барча соҳадаги ислоҳотлар, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлардан фахрланиш туйғуларини меҳнаткашлар онгига етказиш этиб белгиланди. 29 мингга яқин бошланғич ташкилотларда ўтказилаётган «Маънавият соатлари»да ҳар ойда 3 млн. дан ортиқ ишчи-ходим иштирок этмоқдалар.

Меҳнаткашлар ўртасида маданий-маърифий ишларни ривожлантириш мақсадида «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика Байналмилал Маданият маркази билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилди. «Хотира — абадий, жасорат —мангу», «Касаба уюшмалари — фахрийларга», «Касаба уюшмалари — болаларга», «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» каби акциялар тизимли равишда ўтказиб келинмоқда.

Мазкур акциялар доирасида иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фахрийлари, «Саховат», «Мурувват», «Меҳрибонлик» уйлари, аҳолининг ижтимоий ҳимояталаб қатламлари, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларига касаба уюшмалари маблағи, шунингдек, жамоа шартномалари орқали иш берувчилар маблағи ҳисобидан 9,3 млрд. сўмлик турли кўринишдаги ижтимоий кўмак кўрсатилди.

Маданий-маърифий ишларнинг алоҳида бир йўналиши сифатида касаба уюшмалари тизимида туризмни ривожлантиришга эътибор кучайганлигини таъкидлаш лозим. Федерация Кенгаши қошида 2013 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб «Касаба сайр» шўъба корхонаси фаолиятининг йўлга қўйилиши мазкур йўналишдаги ишларни тизимли равишда ташкил этиш имконини берди. Натижада, бошланғич ташкилотларга ҳам бу борада қатор қулайликлар яратилди ва мазкур корхона томонидан 2 мингга яқин меҳнаткашларнинг республикамизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлари ташкил этилди. Шунингдек, 2011-2013 йилларда тизимдаги санаторийларда тиббий туризмни йўлга қўйиш соҳасида муайян ишлар амалга оширилиб, 6 минг нафарга яқин чет эл фуқаролари санаторийларда дам олдилар ва соғлиқларини тикладилар.

Спорт ишлари йўналишида касаба уюшмаларининг асосий эътибори спортнинг оммавийлигини таъминлаш, меҳнаткашлар ўртасида соғлом турмуш тарзининг барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш, ходимлар спортини ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Санатор-курортлар тизимини модернизация қилиш доирасида касаба уюшма санаторийларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлашнинг йиллик дастурларига мувофиқ 2011-2013 йилларда 15 та санаторийдан 11 тасида қурилиш, реконструкция, таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Санаторийларни жаҳон андазаларига мос тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва даволашнинг халқаро стандартларига мос янги усулларини ташкил этиш ишлари олиб борилди. Хусусан, «Чинобод» санаторийси замонавий компютерли гастрофиброскоп, «Турон» санаторийси 2 та замонавий компютерли ЭКГ аппарати, инсультдан кейинги асоратларни реабилитация қилиш учун замонавий педалли аппарати, «Зомин» санаторийси замонавий лазер аппарати билан таъминланди. «Бўстон» санаторийсида косметология ва SPA муолажаларини ўтказишда ўлик денгиз маҳсулотларидан фойдаланиш йўлга қўйилди, «Чинобод», «Турон» санаторийларида SPA салонлари фаолият кўрсатмоқда ва келажакда тасарруфдаги бошқа санаторийларда ҳам мазкур хизмат турларини ташкил этиш режалаштирилган.

Санаторийларда дам олиш ва даволаниш учун замон талабига жавоб берадиган шароитларнинг яратилиши натижасида, талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буни ҳисобот даврида мавжуд 15 та санаторийда 287 мингдан зиёд меҳнаткашлар дам олиб, саломатликларини тиклаганликлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасидаги ишларда ёзги мавсумда болалар дам олишини ташкил этиш тизимининг тубдан қайта кўриб чиқилганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, касаба уюшмалари ташаббуси билан «Республика болалар соғломлаштириш оромгоҳларида болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этиш Концепцияси»нинг қабул қилиниши болаларни ёзги мавсумда дам олдириш тизимини ислоҳ қилишда муҳим қадам бўлди. «Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича йиллик Манзилли дастур»лар ижроси доирасида 2012-2013 йилларда 8 та янги оромгоҳ қурилди, 42 та оромгоҳда реконструкция, 24 тасида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, болаларнинг ёз мавсумида сифатли дам олишларини ташкил этиш мақсадида Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи ташкил этилиб, унинг таркибига манфаатдор ҳамда мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари киритилди, касаба уюшмалари эса мувофиқлаштириб турувчи этиб белгиланди.

Мазкур гуруҳ томонидан олиб борилган ишлар самараси ўлароқ 2011-2013 йилларда 834 мингга яқин болалар ёзги дам олиш оромгоҳларида соғломлаштирилди, кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг қарийб 160 минг нафар фарзанди, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари бепул йўлланмалар билан таъминланди.

Қурултойда касаба уюшмалари тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масаласи Федерация Кенгашининг доимий диққат марказида бўлганлиги алоҳида таъкидланди. Бу борада касаба уюшмалари олдига катта мақсадлар қўйилиб, тизимли ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди. Хусусан, Федерация Кенгаши аппарати, Марказий кенгашлар ва ҳудудий бирлашмаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар замонавий компютер ҳамда ташкилий техникалар билан таъминланди. Компютерларни локал, корпоратив, Интернет тармоқларига ҳамда Федерация Кенгашининг марказий серверига улаш имкониятлари яратилди.

Бу борадаги муҳим ишлардан яна бири, касаба уюшмалари Федерациясининг 2014 йилга мўлжалланган ахборот-коммуникация технологияларини босқичма-босқич жорий этиш қўшма чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, Алоқа, ахборотлаштириш телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланиб, тизимли ишларга киришилгани бўлди.

Жамоатчилик билан алоқаларни янада кучайтириш, аҳолини касаба уюшмалари фаолиятидан хабардор этиш мақсадида Федерация Кенгашида Матбуот хизматининг алоҳида бўлим сифатида ташкил этилиши касаба уюшмалари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, меҳнаткашларни тизимда амалга оширилаётган ишлардан хабардор этиб бориш билан бирга, уларни жамоа шартномалари ва келишувлари орқали яратилаётган имтиёз ва кафолатлар қўлами билан яқиндан таништириб бориш имконини берди.

Мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Федерация Кенгашининг Интернет тармоғидаги расмий Портали ишга туширилиб, унинг такомиллаштирилган лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қатор янги блоклар фаолияти йўлга қўйилди, 6 та йўналиш бўйича интерактив хизматлар жорий этилди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари вакиллари, журналистлар иштирокида 16 марта Матбуот конференцияси ташкил этилди.

Қурултойда касаба уюшмалари олдида турган навбатдаги муҳим вазифа ва мақсадлар хусусида ҳам сўз борди. Хусусан, барча йўналишлардаги ишларни янада кучайтириш, бу орқали меҳнат аҳли ижтимоий ҳимоясини янада ошириш, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу борада тармоқ Марказий кенгашлари ва ҳудудий бирлашмалар масъулиятини ошириш борасида фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, аъзо ташкилотлар томонидан фуқароларнинг электрон мурожаатлари билан ишлаш фаолиятини жонлантириш ва веб-сайтлар орқали интерактив хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қурултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссиясининг янги таҳрирдаги Низоми тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўрилган барча масалалар қизғин муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Сўз — қурултой делегатларига

Шодмон КЎБАЕВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

— Маълумки, 2010 йил ноябр ойида Президентимиз томонидан таклиф этилган Концепцияда фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга қаратилган қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш белгилаб қўйилган эди. Жамоат ташкилотлари фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган «Ижтимоий шериклик тўғрисида» ҳамда «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини тайёрлашда касаба уюшмалари вакиллари фаол иштирок этишди. Ушбу қонунлар қабул қилингач, касаба уюшма фаолияти юқори сифат босқичига кўтарилиши шубҳасиз.

Айтиш мумкинки, кейинги йилларда тизимда амалга оширилаётган ўзгаришлар туфайли аъзолар манфаатлари ҳимояси қўламини янада кенгайтириш имконияти яратилди. Айниқса, касаба уюшмалари томонидан давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда ўтказилаётган давра суҳбатларида меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган кўплаб масалалар муҳокама этилиб, жойида ҳал этилаётгани эътиборлидир.

Нодавлат секторидаги корхоналарни касаба уюшмасига жалб этиш борасида ижобий ишлар олиб борилаётгани, айниқса, таҳсинга лойиқ. Айтмоқчиманки, мазкур корхоналар ходимларини касаба уюшмасига жалб этиш баробарида, уларнинг касаба уюшма афзалликлари бўйича кенг тушунчага эга бўлиши, жамоат ташкилоти кўмагини ҳис этишига эришиш зарур.

Шу ўринда бир нечта таклифларимни билдириб ўтсам. Жумладан, 5 нафаргача ходим ишлайдиган нодавлат ташкилотларни касаба уюшмасига жалб этиш тадбирларини кучайтириш лозим деб ўйлайман. Иккинчидан, Бош келишув асосида тармоқ ва минтақавий келишувлар қабул қилиниб, ходимлар манфаати қамраб олинаяпти. Шундай экан, соҳа бўйича туман миқёсидаги келишувлар масаласини алоҳида ёндашув асосида кўриб чиқиш лозим, назаримда.

Бекчанбой МАТЯҚУБОВ, Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси:

— Касаба уюшмаларининг 2011-2013 йиллардаги фаолияти ва келгусидаги вазифаларга бағишланган маъруза кўпчиликнинг эътиборини тортди. Дарҳақиқат, касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойидан кейин тизимда катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Натижада, маърузада айтилганидек, тизим фаолиятидаги такрорланишлар кескин камайди. Касаба уюшма фаоллари ишга янада масъулият билан ёндашишаётир, ижтимоий шериклик тобора ривожланиб бораяпти.

Шу ўринда таъкидлашни истардимки, Президентимизнинг қарорлари асосида Хоразм вилоятида кенг кўламда бунёдкорлик ишлари олиб борилаяпти. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий юксалтириш, саноат, туризмни ривожлантириш борасида катта ҳажмдаги маблағлар ўзлаштирилиб, минглаб иш ўринлари яратилаяпти.

Ушбу ўзгаришларга монанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари ҳам фаол иш олиб бораяпти. Нодавлат сектор корхоналарини аъзоликка жалб этиш борасида саъй-ҳаракатни кучайтирганмиз. Шу билан бирга, тармоқлар бўйича касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида ютуқлар баробарида камчиликлар ҳам мавжудки, уларни бартараф этиш юзасидан тармоқ Марказий кенгашлари билан алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланаяпти. Жумладан, агросаноат тизимида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Ҳозирда бу борада ўқув-семинарлари ташкил қилиб, барча ҳудудларда бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш бўйича тизимли ишлар олиб борилаяпти.

Гулнора ЮСУПОВА, «ДЭУ текстил Фарғона» МЧЖ чет эл хусусий корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Маърузани эшитиш асносида, унда кўрсатилган вазифалар бўйича бизнинг корхонада нима ишлар қилинди, дея таққосладим, айрим хулосаларга ҳам келдим.

Корхонамиз тўртта фабрикадан иборат бўлиб, 3450 нафар ходим ишлайди. Уларнинг аксарияти аёллар. Асосий эътиборни иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантиришга қаратяпмиз. Жамоа шартномаси ижроси алоҳида назорат қилинмоқда. Ўтган йили ҳар бир ходим ижтимоий ҳимоясига жамоа шартномаси орқали 4 млн. сўм маблағ сарфланди. Ходимларни транспорт воситаси, иссиқ овқат билан таъминлаш, иш шароитини яхшилаш, махсус кийим-бош кабилар шулар жумласидан.

Яна бир эътиборли жиҳат, ҳар ойда оддий ишчилар орасидан сайланган вакиллар билан иш берувчилар иштирокида мулоқот ўтказиш анъанага айланган. Энг қуйи бўғинда нима бўлаяпти, ҳал этилиши лозим бўлган қандай масалалар бор, буларнинг барчаси муҳокама этилади. Бундай вакиллар ҳар уч ойда алмашади. Иш берувчи эса кўтарилган масалалар бўйича кейинги ойда ҳисобот беради.

Жамоа шартномаси орқали ходимлар фарзандлари учун оромгоҳларга йўлланмаларнинг касаба уюшмаси ва иш берувчи ҳисобидан бепул берилиши йўлга қўйилган. Шунингдек, ўқув қуроллари олиб бериш тизими мавжуд.

Электрон тизим орқали вилоят бирлашмаси, Федерация Кенгашига ҳужжатларимизни осон йўллаш имконияти яратилган. Касаба уюшмамизнинг тизимдаги танловларда ғолиб бўлаётганидан жамоа мамнун. Хусусий корхонадаги иш берувчининг касаба уюшмасига бўлган бундай эътиборини алоҳида қайд этиш зарур.

Шу ўринда бир таклифни билдирмоқчиман. Маълумки, ўтган қисқа давр ичида тизимда жуда катта ўзгаришлар бўлди. Буни барча аъзолар билмоғи лозим. Шу боис ҳудудларда ўқувлар ташкил этиш қўлами кенгайтирилса, айни муддао бўларди.

Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ, «Максам-Чирчиқ» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Касаба уюшмалари Федерацияси Уставида «касаба уюшмасининг бошланғич ташкилоти касаба уюшмаси ташкилий тузилмасининг асоси ҳисобланади» дея ёзиб қўйилган. Кейинги йиллардаги ижобий ўзгаришлар, бошланғич ташкилот етакчиси сифатида айтишим мумкинки, бизга кўпгина имкониятлар яратиб берди.

Биринчидан, ортиқча қоғозбозлик ва ҳисоботлардан холи бўлдик. Иккинчидан, ихчам, пишиқ тизим шаклланди. Натижада, бошланғичларда ходимлар манфаатини ҳимоялаш борасида имкониятлар қўлами кенгайиб бормоқда. Бунинг самарасини ҳам кўраяпмиз. Натижада, ходимларнинг касаба уюшмасига нисбатан ишончи тобора ортиб бораётир.

Бошланғич ташкилотларнинг молиявий имконияти ҳам кенгайди. Йирик ижтимоий объектларимиз мавжудлиги боис аъзолик бадалларининг 70 фоизи ўзимизда қолаяпти. Шундан 10 фоизи тўғридан-тўғри соғломлаштиришга сарфланмоқда. Ўтган йили 98 нафар ходим даволаниб, дам олди. Шунингдек, соҳа ташкилотларининг ўзаро тажриба алмашиши йўлга қўйилди. Хусусан, «Фарғоназот» ёки «Навоийазот» каби турдош корхоналар фаолияти билан яқиндан танишиш, ўзаро мулоқотлар жараёнида иш фаолиятимиз учун фойдали жиҳатларни ўрганиш имконияти яратилди.

Корхонамиз жамоа шартномасига ходимлар учун бир қатор имтиёзлар киритилган. Имтиёзли йўлланмалар олиш, узоқ йил меҳнат қилганларга моддий ёрдам бериш, рағбатлантириш амалга оширилади.

Холида АЛИМОВА, Жиззах вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Касаба уюшмалари ташкилотлари Жиззах вилоят бирлашмаси кенгаши аъзосиман. Тизимда янгилик ва ўзгаришлар катта. Айниқса, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўйича олиб борилаётган ишлар эътирофга лойиқ. Бугунги кунда бошланғичларда 60 фоиз маблағнинг қолдирилаётгани катта аҳамиятга эга. Биргина мисол, 200 ходим ишлайдиган шифохонамизда касаба уюшма маблағи ҳисобидан 150 ходим Бухоро шаҳрида саёҳатда бўлиб қайтди. Бундан уларнинг қувончи чексиз. Касаба уюшма ёрдами билан ходимларнинг ишга тикланган ҳолатларига ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси яхши ташаббусни илгари суриб, турли ўқувларда барча вилоятлардан келган бош врач ва ўринбосарларга касаба уюшмаси ҳақида атрофлича тушунча беришаяпти. Бу ҳам фаолиятимизда қўл келаяпти. Шу ўринда бир таклиф. Ходимларнинг эрталаб ишга киришишдан олдин гимнастика билан шуғулланиши масаласи барча ташкилотларга бирдек татбиқ этилса, айни муддао бўларди. Бу ходимларнинг соғлиги-ю, кўтаринки кайфиятда ишлашига ва албатта, ишлаб чиқариш самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Феруза МАМАЖОНОВА, Гулистон қурилиш касб-ҳунар коллежи бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Ҳақиқатан, кейинги йилларда касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тизим фаолиятини янада самарали ташкил этиш юзасидан муҳим бўлган меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, ислоҳотлар жараёни изчил олиб борилди. Бу ўзгаришлар қуйи бўғин — бошланғич ташкилотларга ҳам бевосита етиб бориши улар имкониятини кенгайтиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Бундан ташқари, халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларга касаба уюшмалари муносиб ҳисса қўшаётгани эътиборга молик.

Президентимиз 2013 йилда республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида фарзандларимизнинг билим олиши ва тарбиясига алоҳида тўхталиб ўтди. Дарҳақиқат, таълим масканимизда болаларнинг ҳар томонлама етук бўлиб вояга етиши учун барча имконият яратилган. Биз, педагогларнинг асосий вазифаси эса уларнинг сифатли билим олиши, яхши касб-ҳунар эгаси бўлишига кўмаклашишдан иборат.

2012-2013 йиллар давомида коллежимизни 8 йўналиш бўйича 312 нафар ўқувчи битирди. Уларнинг 92 фоизи иш билан таъминланди, 8 нафарига тадбиркорлик билан шуғулланиши учун имтиёзли кредитлар берилди. Битирувчиларни касаба уюшма маблағи ҳисобидан қўллаб-қувватлашнинг йўлга қўйилганлиги мазкур йўналишдаги ишларда катта мадад бўлмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, эмлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда тиббий маданиятни ошириш, санитария-гигиена қоидаларига риоя этишни таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

ЮНЕСКО фан, таълим ва маданият соҳаларини ривожлантириш, қадимий обидаларни асраб-авайлаш борасида Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида ЮНЕСКО шафелигида Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Камолиддин Беҳзод каби буюк аждодларимиз, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон сингари қадимий шаҳарларимиз, «Алпомиш», «Авесто» каби бебаҳо адабий ёдгорликлар, шунингдек, Хоразм Маъмун академиясининг юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Мустақиллигимизнинг халқаро эътирофи

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий-маданий объектлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, 2001 йилда Бухоро «Тинчлик шаҳри» деб эълон қилинди. Бойсун маданий мероси, Шашмақом, катта ашула ва Наврўз инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатидан жой олган.

2013 йил августда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимида ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини, Президент Ислом Каримов томонидан асос солинган «Шарқ тароналари» фестивали ана шу эътиборнинг юксак намунаси эканини алоҳида таъкидлади.

Атроф-муҳит муҳофазаси, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши. Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда атроф-муҳит муҳофазаси алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб келади. Хусусан, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, бу ерда яшаётган миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардандир.

2010 йил апрел ойида мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Оролбўйидаги экологик бўҳрон оқибатлари билан бевосита танишди. Ушбу ташриф якунлари бўйича тайёрланган Орол денгизи инқирози оқибатида зарар кўрган аҳолининг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш бўйича қўшма дастурни амалга ошириш ўзаро ҳамкорликнинг яна бир устувор соҳасига айланди.

Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлиги ижчил ривожланиб бормоқда. Бу мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда.

ЎзА

Нодавлат сектор

«Мукаммал зиё»да касаба уюшма ташкилоти

Кейинги йилларда нодавлат сектордаги корхоналар мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга алоҳида ҳисса қўшаётир. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар дунё бозорида эътироф этилаяпти. Ноишлаб чиқариш, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ривожланиш ҳам тараққий топган давлатларникидан кам эмас.

Бундай корхоналарда ишловчилар манфаати ҳимоячиси сифатида касаба уюшма ташкилотлари ҳам тузилмоқда. Бу, албатта, жойлардаги касаба уюшма органларининг тарғиботи натижасидир. Хусусан, Федерация Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 4 сентябрдаги қарори соҳадаги ишлар ривожининг янги босқичини бошлаб берди.

Наманган шаҳрида жойлашган «Мукаммал зиё» нодавлат таълим муассасаси касаба уюшмасининг афзалликларидан унумли фойдаланишни бошлаган янги аъзолардан. Жорий йилнинг илк ойида аъзоликка қамраб олинган муассасада 15 нафар ходим меҳнат қилади. Касаба уюшма қўмитаси раиси Сарвар Сабитуллаевга тармоқ касаба уюшма ташкилоти фаолларининг ташрифи ўзига хос рағбат бўлди.

Ходимларга аъзолик билетларини тарқатиш маросимида таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Р.Бедилов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси З.Маҳкамова, тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг ҳудуддаги масъул ташкилотчиси Л.Ганиев, тармоқ касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси М.Ғаффорова иштирок этишди.

— Нодавлат ташкилотларнинг касаба уюшма аъзолигига қамраб олиниши, аввало, ўша ердаги ходимларнинг ҳуқуқлари яна бир карра ҳимояга олинди деганидир, — дея таъкидлади ўз сўзида Р.Бедилов. — Яъни жамоат ташкилоти учун намунали меҳнат шароити, ижтимоий муҳофазаланиш, қонун доирасидаги ҳуқуқларидан фойдаланиш каби мақсадларни устувор вазифалардир. Шу билан бирга, қонун доирасидаги ҳуқуқларни таъминлабгина қолмай, бу имтиёзларга қўшимча ҳуқуқий кафолатларни ҳам яратиш ҳақида жиддий ўйлашимиз даркор. Сафимиз кундан-кунга кенгайиб бораётгани бизни янги марраларга руҳлантиради. Айниқса, мазкур вилоятда ҳар бир бўғиндаги касаба уюшма органларининг ҳамкорлиги, собитқадамлиги ютуқлар гарови бўлаётганини таъкидлашни истардим.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши партия дастурий ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш, партиялар фаолиятини ёритишга янгича ёндашувларни шакллантириш, партия фаолиятининг энг яхши тарғиботчиларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг 23 йиллигига бағишлаб ОАВ ходимлари ўртасида «КУЧ — АДОЛАТДА» танловини эълон қилади.

Танловга 2014 йил январ ойидан 1 октябргача бўлган даврда газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар қабул қилинади.

Танловда мамлакатимиздаги барча ОАВда фаолият кўрсатаётган маҳаллий журналистлар, ОАВнинг вакиллари якка тартибда иштирок этишлари мумкин.

Танлов шартлари:

— «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгиланган вазифаларнинг партия томонидан ижросини ёритиш;

— бошланғич партия ташкилотларидан репортажлар, «Аёллар қаноти» ва «Ёш адолатчилар» фаолияти ҳамда партия Сайловолди дастури йўналишларини ёритиш;

— газета-журнал, интернет сайтларида чоп этилган, ТВ ва радио эфирга узатилган танқид ва партияларароро рақобат руҳидаги таҳлилий мақолалар ва кўрсатув ҳамда эшиттиришлар;

— барча даражадаги депутатлар ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини ёритувчи мақолалар, депутатлар билан интервюлар, кўрсатув ва эшиттиришлар.

Танлов ғолибларига қуйидаги номинация ва тартибда мукофотлар таъсис этилган:

Партия фаолиятининг энг яхши тарғиботчиси (телевидение, радио, босма ОАВ, интернет-журналистика) — 1-, 2-, 3-ўринлар.

Энг яхши журналистик материал учун (телевидение, радио, босма ОАВ, интернет-журналистика) — 1-, 2-, 3-ўринлар.

Бундан ташқари, рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам назарда тутилган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар (3 тадан кам бўлмаган ҳолда) 2014 йилнинг 5 октябригача тақдим этилиши шарт.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими 2014 йил октябр ойида ўтказилади.

Материаллар «**КУЧ — АДОЛАТДА**» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Шарқ тонги, 23-уй. Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати.

Телефонлар: 288-46-64; 288-42-08 (111). Эл.почта: info@adolat.uz

Хусусий корхона

Термиз шаҳрида ўтган йили иш бошлаган «Лола Имом Барака» хусусий корхонасида катталар ва болалар учун йигирма турдан ортиқ кийим-кечаклар тайёрланмоқда.

«Микрокредитбанк»нинг молиявий кўмагида замонавий тикув машиналари билан таъминланган корхонада 15 нафар хотин-қиз тикаётган сифатли маҳсулотлар ички бозорда харидоргир.

Суратларда: ишчилар Малика Жабборова ва Наргиза Қултўраева.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган суратлар

Аукцион савдолари хабарномаси
«REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

I. 2014 йил 18 март соат 11-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент вилоят Хўжалик судининг 06.03.2013 йилдаги №11-1232/18114-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «MISHELIN-AVTO» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 07.02.2014 йилдаги йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 25.02.2014 йилдаги 171-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги қуйидаги кўчмас мулк объектлари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида такроран қўйилмоқда.

1-ЛОТ. Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Оҳангарон кўчаси, 113-уй манзилида жойлашган савдо дўкони биноси.

Бошланғич баҳоси 380 000 000 (Уч юз саксон миллион) сўм; **2-ЛОТ.** Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Оҳангарон кўчаси, 114-уй манзилида жойлашган савдо дўкони биноси. Бошланғич баҳоси 94 471 000 (Тўқсон тўрт миллион тўрт юз етмиш бир минг) сўм; **3-ЛОТ.** Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Оҳангарон кўчаси, 115-уй манзилида жойлашган савдо дўкони биноси. Бошланғич баҳоси 95 456 000 (Тўқсон беш миллион тўрт юз эллик олти минг) сўм.

II. 2014 йил 18 март куни соат 12-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 10.10.2012 йилдаги 10-1218/13607-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «UMUM QURILISH SERVIS» хусусий ишлаб чиқариш қурилиш корхонаси кредиторларининг 28.01.2014 йилдаги йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 24.02.2014 йилдаги 333-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол (Огородная) кўчаси манзилида жойлашган умумий ер майдони 1301,0 кв.метр, қурилиш майдони 62,0 кв.метрдан иборат бошланғич баҳоси 135 359 000 (Бир юз ўттиз беш миллион уч юз эллик тўққиз минг) сўм бўлган бош механика биноси мажмуаси такроран қўйилмоқда.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 17 март куни соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ, х/р: 20208000700234536001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати)

Лицензия RR 0170, тел: 8 371 233-21-18. E-mail: rc.group@inbox.ru, **Хизматлар лицензияланган.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Аукцион савдолари хабарномаси
«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

I. 2014 йил 18 март куни соат 11-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент вилоят Хўжалик судининг 06.03.2013 йилдаги №11-1232/18114-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «MISHELIN-AVTO» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 07.02.2014 йилдаги йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 25.02.2014 йилдаги 172-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида такроран қўйилмоқда.

1-ЛОТ. Mazda 3 1.6 AT Sedan русумли д/р 10/ 064 MAA автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси 59 089 000 сўм.

2-ЛОТ. Mazda CX-7 2.3 DISI Turbo русумли д/р 10/059 CAA автотранспорт воситаси бошланғич баҳоси 79 963 000 сўм.

II. 2014 йил 18 март куни соат 12-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 10.10.2012 йилдаги 10-1218/13607-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «UMUM QURILISH SERVIS» хусусий ишлаб чиқариш қурилиш корхонаси кредиторларининг 28.01.2014 йилдаги йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 24.02.2014 йилдаги 332-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги кўчмас мулк тоифасига кирмайдиган жами 136 номдан иборат жами бошланғич баҳоси 122 866 400 сўм бўлган (мебел ва офис жиҳозлари, оргтехника жиҳозлари, ўлчов мосламалари, асбоб-ускуналари ва мосламалари, ускуна ва дастгоҳлари, товар моддий бойликлари, эҳтиёт қисмлари ҳамда бошқа турдаги турли хил асосий воситалари) мулклари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида такроран қўйилмоқда.

III. 2014 йил 18 март куни соат 14-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент вилоят Хўжалик судининг 06.03.2013 йилдаги №11-1232/18114-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «MISHELIN-AVTO» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 07.02.2014 йилдаги йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 25.02.2014 йилдаги 172-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги кўчмас мулк тоифасига кирмайдиган жами 210 номдан иборат жами бошланғич баҳоси 445 332 633 сўм бўлган (асбоб-ускуналари ва мосламалари, ускуна ва дастгоҳлари, товар моддий бойликлари, эҳтиёт қисмлари ҳамда бошқа турдаги турли хил асосий воситалари) мулклари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида такроран қўйилмоқда.

IV. 2014 йил 18 март куни соат 15-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 27.11.2012 йилдаги 10-1218/16125-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «DIA» хусусий фирмаси кредиторларининг 21.01.2014 йилдаги йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 22.01.2014 йилдаги 68-СУ-сонли буюртмасига асосан фирма ҳисобидаги кўчмас мулк тоифасига кирмайдиган қуйидаги мулклари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида такроран қўйилмоқда.

ЛОТ №	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	2	3	4	5
1	Трансформатор КТНП 63/10-042	дона	1	2 409 533
2	Верт-сверильный	дона	1	175 153
3	Эл. двигатель (не рабочий)	дона	1	87 774
4	Ручной гиб (не рабочий)	дона	1	81 922
5	Отрезной станок	дона	1	164 101
6	Отрезной станок	дона	1	164 101
7	Отрезной станок	дона	1	164 101
8	Отрезной станок	дона	1	164 101
9	Отрезной станок	дона	1	410 252
10	Отрезной станок	дона	1	410 252
11	Туалет (метал)	дона	1	214 558
12	Шлифовальный станок мини	дона	1	109 230
13	УАЗ М49 93	дона	1	778 068

ЛОТ №	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	2	3	4	5
14	а/м ГАЗ-31029	дона	1	1 716 465
15	Пилита бетон	дона	8	1 816 332
16	Шкаф деревянный	дона	1	109 230
17	Стол	дона	1	152 921
18	Стол	дона	1	54 615
19	Сейф	дона	1	191 152
20	Метал шкаф (эл.щит)	дона	7	819 222
21	Металкозлы	дона	20	546 148
22	Сварочный аппарат БД-306	дона	1	244 795
23	Сварочный аппарат	дона	1	244 795
24	Сварочный аппарат	дона	1	244 795
25	Сварочный аппарат	дона	1	428 392

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 17 март кунига қадар соат 10-00 дан 16-00 га қадар қабул қилинади. (13-00 дан 14-00 гача тушлик).

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ, х/р: 20208000005028108001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати)

Тел: 8 371 233-21-18. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263. **Хизматлар лицензияланган.**

Аукцион савдолари хабарномаси
«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 4 апрел куни соат 11-00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 10.10.2012 йилдаги 10-1218/13607-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «UMUM QURILISH SERVIS» хусусий ишлаб чиқариш қурилиш корхонаси кредиторларининг 28.01.2014 йилдаги йиғилиш баённига ва тугатиш бошқарувчисининг 24.02.2014 йилдаги 332-сонли буюртмасига асосан корхона ҳисобидаги қуйидаги мулклари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида қўйилмоқда.

1-ЛОТ. 1989 йилда и/ч ЗИЛ-4505ММЗ русумли д/р 01/ 082 QAA автомашинаси бошланғич баҳоси 1 571 840 сўм. **2-ЛОТ.** 1990 йилда и/ч РДК-250-3 русумли № П32282 кран бошланғич баҳоси 96 948 180 сўм. **3-ЛОТ.** 1986 йилда и/ч МАЗ-5549 русумли д/р 01/ 067 QBA автомашинаси бошланғич баҳоси 1 415 520 сўм. **4-ЛОТ.** 1993 йилда и/ч ГКБ-818М русумли д/р 01/ 1741 AA тиркамаси бошланғич баҳоси 3 891 000 сўм. **5-ЛОТ.** 1993 йилда и/ч ГКБ-818М русумли д/р 01/ 1742 AA тиркамаси бошланғич баҳоси 3 891 000 сўм. **6-ЛОТ.** 1993 йилда и/ч ГКБ-818М русумли д/р 01/ 1743 AA тиркамаси бошланғич баҳоси 3 891 000 сўм. **7-ЛОТ.** 1993 йилда и/ч ГКБ-818М русумли д/р 01/ 1744 AA тиркамаси бошланғич баҳоси 3 891 000 сўм. **8-ЛОТ.** Электр подъёмник бошланғич баҳоси 3 861 290 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 3 апрел кунига қадар соат 10-00 дан 16-00 га қадар қабул қилинади. (13-00 дан 14-00 гача тушлик).

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» MChJ, х/р: 20208000005028108001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. (Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги биноси 7-қавати)

Тел: 8 371 233-21-18. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263. **Хизматлар лицензияланган.**

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Патологик Анатомия марказининг 2013 йил 14 сентябрдаги 75-сонли буйруғи ва 2014 йил 28 февралдаги 01-1/35-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Ф. Хўжаев кўчаси 11-уй манзилида сақланаётган, давлат рақами 01 822 РВА, 1997 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, «Дамас» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 7 895 770 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 31 март куни соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 27 март куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 31 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 7, 14 апрел кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 7 апрелдаги такрорий савдолар учун 4 апрел куни соат 18:00; 14 апрелдаги савдолар учун 11 апрел куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. Тел: 233-28-52. www.rmm.uz.

Хизматлар лицензияланган.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши «Ангрен Логистика» ЁАЖ касаба уюшмаси қўмитаси раиси Муқаддам Нарбаевага онаси

Рисқинисо ЭРНАЗАР қизининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Урганч шаҳар кенгаши жамоаси Инкассация хизмати Давлат унитар корхонаси Хоразм вилоят бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Саъдулла Искандаровга онаси

Солияжон ИСКАНДАРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 1-mart № 28 (3377)

Архив

«Бахмал водийларда, қирларда баҳор...»

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бугунги кунда совриндорлар вазирлик, идора ва ташкилотларда, сиёсий партияларда, олий ўқув юртларида, марказий ва ҳудудий матбуот нашрларида фаолият юритмоқда. Шунингдек, улар орасида Президент стипендияси, Навоий, Ибн Сино стипендиялари совриндорлари, спортнинг турли йўналишлари бўйича Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионлари бор.

Ушбу мукофотни олишга талабгорлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Агар 2004 йилда 5 мингга яқин қиз мукофотга даъвогарлик қилган бўлса, ўтган йил улар 11 198 нафарга етди.

Зулфияхоним қизлари иштирокида ташкил этилган тадбирларга борганимда ҳар гал қалбим қувончга тўлади. Чунончи, ўтган йили Тошкентда «Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинлиги, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш: Ўзбекистон тажрибаси» мавзуида ўтказилган халқаро конференцияда қатнашган хорижлик экспертлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан ўтказилган учрашувда мазкур мукофот жаҳон тажрибасида кам учрайдиган ноёб ижтимоий ҳодиса эканини эътироф этди. Айниқса, қизларнинг бир қанча хорижий тилларда эркин мулоқотда бўлиши, шу юртда туғилганидан фахрланиб сўзлашлари меҳмонларда ҳайрат уйғотди. Бу Ўзбекистон қизларининг юксак эътибор ва ғамхўрлик оғушида эканлигининг амалий ифодаси бўлди.

АТЛАС КИЙГАН ФАРИШТА

Зулфия деган латиф ва дилбар ном менинг болалик шууримга онажоним Қутиғбегим уста Ражаббой қизи орқали кириб келган. Волидаи муҳтарамамиз нозик қалби билан адабиёт ва санъатни чуқур ҳис қилар, бу гўзал бўстонга биз фарзандларини ҳам бир олам орзу-ҳавас билан етаклаб кирганди. Худди тафти совимаган иссиққина кулчалардек нодир китоблар меҳрини юрагимизга жойлаганди. Китоблар орасида Зулфияхоним қаламига мансуби ҳам бўларди. Негадир онам Зулфияхоним китобини жуда ардоқлаб сақлар, уни қўлга олганда бир хўрсиниб қўярди. Буни ўшанда тушунмасдим. Бугун англаб етаманки, бир этак фарзанди билан бевалик заҳматларини чекаётган онагинамга ўшанда ҳижронни четлаб ўтиб, яшашга куч топган Зулфияхоним ҳаёти ибрат намунаси бўлган экан. Тақдирдош бу хассос қалбли аёлдан волидам катта руҳий қувват оларкан. Онажоним биз фарзандларига «Қанийди бирортанг Зулфияхонимдек шоира бўлсанг», дердилар. Дилбар шоирага ҳурмат рамзи сифатида катта акамнинг қизига Зулфия, деб исм қўйдилар.

Шу-шу шоиранинг сўзлари менга нондек азиз, ҳаёти ибрат, яхшилиги намуна. Кўп бора онамнинг меҳрини азиз инсонга етказишга интилганман ҳам. Аммо бу учрашувга маънан тайёр эмасдим. Шунга қарамай орзуим йўлида бир лаҳза бўлсин чекинмадим.

Беш боламдан ортиб ўз касбим бўйича нуфузли республика газетасида ишга кирдим. Кўнглими қоғозга тушира бошладим. Онам бир умр севиб ўқиган, Зулфияхоним бошқарган «Саодат»да ишладим. Дилбар шоира нафаси, изи теккан ҳар бир нарса менга азиз эди. Унинг севимли шогирдлари даврасида эдим-да. Шундай дилобар кунларнинг бирида истеъдодли шоира раҳматли Замира Эгамбердиева турмуш ўртоғи раҳбарлик қилаётган мактабда Зулфияхонимнинг 80 йиллиги олдидан учрашув бўлаётганини айтиб, бизни ҳам таклиф этди. Севимли шоирамиз Қутлибека Раҳимбоева билан бирга бордик. Зулфияхоним учрашувга келолмадилар. Аммо унинг шогирдлари бу тадбирни шунчалик кўтаринки руҳда ўтказишдикки, ўша куни ҳар бир ўқувчининг кўзларида орзулар учқунлади, юрагида эзгуликка, эзгу сўзга, дилбар шоирага йўл очилди.

Зулфияхоним учун олиб келинган гуллар бизга тақдим этилди. Қучоқларимиз гулларга тўлиб-тошди. Ардоқли шоирамизнинг уйларига тўппа-тўғри кириб бордик. Атлас кўйлак кийган, ранглари бироз синиққан Зулфияхоним бизни ажабланиб кутиб олдилар. Шоираи замон ўқувчилар тақдим этган ҳар бир гулдастани катта ҳурмат билан битта-битталаб қўлларига олиб кўрдилар. Гўё гулдасталарни тақдим этган ўқувчиларнинг юрак тафтларини ҳис қилдилар.

Гуллардан кейин навбат менга келди. Жуда ҳаяжонда эдим. Қутлибека опам мени шоирага таништирди. Шунда шогирдларини койиган бўлдилар.

— Бу қизимни биринчи кўришим эди. Огоҳлантирсанг, кийиниб, ўзимга қараб олардим.

Болалигимдан шоирани энг яқиним деб билишим, шеърларию суратлари аллақачон юрагим тўрида турганини айтиб, биргалашиб узр сўрадик. Қутлибека опа билан гулларни хоналардаги гулдонларга қўйдик. Энг чиройли гулдаста Ҳамид Олимжон суратининг остидан жой олди. Ажабланарлиси, ҳар бир гулдон аввалдан анвойи гулларга тўла эди. Биз уларни янгисига алмаштирардик. Қутлибека опам бу ҳолатга изоҳ берди:

— Неча йилдан бери бу даргоҳга келаман. Қишин-ёзин гулдонлар ҳамиша гулларга тўлиб туради. Бири сўлмасдан иккинчиси мухлислару яқинлари томонидан тортиқ қилинади. Бу ўз шоирасига халқнинг эътирофи-да.

Қутлибека опа муборак хонадоннинг синаштаси бўлгани боис ошхонага кириб кетди. Зулфияхоним билан меҳмонхонада ёлғиз қолдик. Шоира камтарлик билан маҳзун кайфияти учун узр сўраб, сабабини англатди. Шу кунлар арафасида соҳир қалб эгаси, ажойиб мусаввир Чингиз Аҳмаров вафот этган эди. Бу улуғ рассом шоиранинг қиёматлик дўсти экан. Мусаввирнинг сўнгги дамларини эслаб, кўп афсус чекди. Ҳаёт, тириклик ва ўлим ҳақида маърифий сўзлар айтилди. Шоирани маҳзун кайфиятдан чалғитиш учун мавзуни бошқа томонга бурдим. У кишининг достонини бир кун аввал телевизорданми, радиоданми эшитиб эдим. Негадир уни ўқиган сухандоннинг овози менга унчалик ёқмаганди. Чунки шоиранинг гўзал туйғулари акс этган мисраларни сухандон аёл қалбдан ҳис қилмагани билиниб турарди. Мулоҳазаларимни шоирага айтдим.

— Овозингиз ҳамон ўктам, гўзал экан, достонни ўзингиз ўқисангиз яхши бўларди, — дедим.

Фикрим жуда маъқул келди. Ўзлари ҳам шундай мулоҳазага бориб турган экан.

— Достонни ўқишга чарчаб қоласиз, дейишганди. Мен ҳам уларни овора қилмай деб гапларига ишонибман, — дедилар самимият билан.

— Достонни ҳали ҳам бўлса ўзингиз ўқинг. Майли, бир кунда эмас уч, боринг, бир ҳафтада ўқинг, аммо овозингиз олтин фондда ёзилиб қолсин. Сиздек шоира учун журналистларнинг заҳмати нима бўлибди, — дедим билағонлик қилиб.

Шоираи даврон жилмайиб туриб сўзимни эшитди. (Зулфияхоним туғилган кунларида ана шу достонни ўзига хос гўзал овозда ўқиб берганларида қанчалар қувонганимни тасаввур қилишингиз мумкин).

Шоирани чарчатиб қўймаслик учун кетишга чоғландик. Зулфияхоним яна бафуржа келишимни тайинлаб, вазада турган қип-қизил нақшин олмалардан бирини олиб менга узатди. Ана шу сўз билан таърифлаб бўлмайдиган гўзал ҳолат бир умр хотирамда суратланиб қолди: атлас кўйлаги енгилгина ҳилпираб турган, юзларидан, кўзларидан нур тўкилиб, жилмайиб қип-қизил олмани менга узатиб турган фариштa. Бу ҳолатни кўп бора ёзишга уриниб кўрдим. Бу шундай илоҳий лаҳза эдики, мендаги иқтидору ҳофизалик уни ёритишда ожизлик қиларди. Шунда мусаввир бўлмаганимга кўп афсус чекдим. Агар рассом бўлганимда Зулфияхонимнинг атлас кўйлакда олма узатиб турган ҳолатини ранглар ила тасвирлаб, уни «Атлас кўйлакли фариштa» деб номлаган бўлар эдим.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма спорти

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Андижон филиалида аёллар ўртасида «Соғлом она — соғлом авлод гарови» шиори остида спорт мусобақалари ўтказилди. Аёлни улуғлаш — оилани, ватанни, ҳаётни улуғлашдир. Бугунги кунда аёлларнинг саломатлиги, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларига давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда.

Оналаримиз соғ бўлсин

«Ўзбектелеком» АК Андижон филиали касаба уюшма қўмитаси томонидан филиал таркибидаги боғлама ва бўлимларда, айниқса, чекка қишлоқларда ишлаб келаётган аёлларнинг жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратиш ва шу орқали оммавий спортни кундалик эҳтиёжга айлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мусобақалар Андижон Давлат университети спорт мажмуасида ташкил этилди. Унда 130 дан зиёд филиал ходимлари қатнашди. Спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси ва волейбол турлари бўйича ўтказилган баҳслар қизғин ўтди.

Натижаларга кўра, спортнинг волейбол тури бўйича Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси терма жамоаси, стол теннисида Бўз тумани алоқачилар жамоаси вакили Наргиза Бобохўжаева, шахматда Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси жамоаси вакили Махпират Ахмедова, шашкада ҳам айнан шу жамоа вакиласи Зуҳра Мамажонова биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Мусобақаларда «Энг ёши улуғ мусобақа иштирокчиси», «Ғалабага бўлган иштиёқи учун», «Энг фаол мусобақа ташкилотчиси» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

Совриндорларга касаба уюшма қўмитасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Ҳамидулло МАТИСАЕВ,
Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий ишлар бўлими мудири

Санъат

Париж шаҳрида ўтказилган Александр Глазунов номидаги VIII халқаро танловда ёш мусиқачиларимиз муваффақиятли иштирок этди. Унда дунёнинг ўн бир мамлакатидан элликдан ортиқ мусиқачи маҳоратини синовдан ўтказди.

Дунё билан бўйлашиб

Нуфузли танловда Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи, Шаҳрисабз ва Фарғона шаҳарларидаги болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ёш иқтидорли ўқувчилари виолончел ва скрипка ижроси бўйича ўз истеъдодини намойиш этди.

Ёш мусиқачиларимиздан Дилшод Нарзуллаев, Иродахон Азизова, Муҳаммадали Аҳроров, Бобур Муҳаммаджонов, Хушнуда Мамасодиқова, Аббос Раималиев, Шаҳобиддин Набиев халқаро танловда биринчи ўринни эгалладилар.

Ўз мухбиримиз

Тадбир

Мамлакатимизда чет тилларини ўрганишга бўлган эътибор кундан-кунга ўсиб бормоқда. Элатлар орасида алоқалар кучайгани сайин хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бораверади.

Тиллар фестивали

Қарши шаҳридаги «Нуристон» академик лицейида Жаҳон тиллари кунига бағишлаб «Тиллар фестивали» бўлиб ўтди. Тадбирда Германиянинг юртимиздаги элчихонаси ҳамда Гёте институти вакиллари иштирок этишди.

Мазкур институт ҳамда «Нуристон» академик лицейи ўртасида ҳамкорлик шартномаси тузилган бўлиб, немис тили ўқитувчилари ва 14-17 ёшдаги ўсмирлар махсус курсларда ҳамда Германияда малака ошириш имкониятига эга.

Байрамда академик лицей ўқувчилари томонидан тайёрланган ўзбек, рус, немис, инглиз ва француз тилларидаги саҳна кўринишлари намойиши, ашула ва куйлар иштирокчиларда катта тассурот қолдирди.

Дилафрўз ХАЛИЛОВА,
«Нуристон» академик лицейининг инглиз тили фани ўқитувчиси

РЕКЛАМА ЎРНИДА

AGROBANK

Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари замирида мамлакат тараққиёти ва халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашдек эзгу мақсад мужассам. Айнан бу борада банк муассасалари томонидан олиб борилаётган амалий ишлар ижобий самарасини бераётир.

Банк сармоясидан тадбиркор мамнун

Хусусан, «Агробанк» ОАТБ Жиззах вилоят бошқармаси томонидан ҳам аграр соҳани тараққий эттириш, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ташкил этиш, янги ва замонавий техникалар харид қилиши учун мунтазам равишда кредит маблағлари ажратиб келинмоқда. Кредитлар ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар натижасида ҳудудда тармоқлар ривожланиб, ишлаб чиқариш салмоғи орта бошлади. Бунинг натижасида минглаб иш ўринлари яратилмоқда. Бугунги кунга келиб банк томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг энг самарали усуллари амалиётга жорий этилаётир. Буни банк мижозлари фикри ҳам тасдиқлаб турибди.

Қаҳрамон ОҚБЎТАЕВ,
«NEW Gorizont» хусусий фирмаси раҳбари:

— Мамлакатимизда йирик лойиҳалар асосида иш олиб бораётган тадбиркорларни кўриб, уларга ҳавас қилардим. Бугун ўзим ҳам мулкдорга айландим. Бу борада «Агробанк»нинг Ғаллаорол филиали томонидан Ислом корпорацияси кредит линияси ҳисобидан 260 минг АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи ажратилиб, шебен ишлаб чиқариш ускунаси сотиб олиш учун молиявий сармоя йўналтирилди. Натижада 22 та янги иш ўрни ташкил этилиб, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашга эришдим. Бундан кейин ҳам фаолиятимни янада ривожлантириш учун «Агробанк» билан ҳамкорликда иш олиб бораман.

Юлдуз ТОҒАЕВА,
«Маржон Сурхонбек» хусусий фирмаси раҳбари:

— Юртимизда тадбиркорлар учун яратилаётган шарт-шароитдан унумли фойдаланиб, бизнесини йўлга қўйган аёллар кўпчиликни ташкил этади. Мен ҳам «Агробанк» молиявий кўмаги асосида тадбиркорлар қаторидан жой олдим. Банкнинг Ғаллаорол туман филиалидан 65 млн. сўм миқдорида кредит олиб, тикувчилик корхонасига асос солдим. Кредит эвазига 12 та турли усулдаги тикиш ишларини бажарадиган тикув машиналари сотиб олдим. Натижада, 20 нафар қизни иш билан таъминлашга эришдим. Ҳозирда корхонамизда иш қизғин. Ҳудудимиздаги корхона, ташкилотлар буюртмасига асосан махсус кийимлар, чойшаблар тикилмоқда. Бундан ташқари, аҳоли эҳтиёжи учун турли тикиш-бичиш ишлари йўлга қўйилган.

ЎзА суратлари

Насиба ДАВРОНОВА,
коллеж битирувчиси:

— Коллежда ўқиб юрган кезларимда Республика Марказий банки томонидан ўтказилган учрашувларда қатнашиб, кўплаб ёшларнинг тижорат банклари томонидан берилаётган имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар олишаётгани тўғрисида хабар топдим. Ўз бизнесларини ташкил этиб, катта муваффақиятга эришаётганларни телевизор орқали кўриб, ҳавасим ортди.

Коллежни битиргач, банкдан 7,5 млн. сўм миқдорида кредит олиб, мўъжазгина иссиқхона қурдим. Кўкат ва сархил мевалар етиштиряпман. Яхши ният билан бошлаган ишим тез орада ўз мевасини берди.

Ҳабибулло БОБОМУРОДОВ,
«Бахмал арк боғлари» хусусий корхона раҳбари:

— Бугунги кунда юртимизда интенсив боғлар барпо қилинмоқда. 3 йил олдин ҳар хил мевали дарахтларни эккан фермер бугун тонналаб ҳосил олмоқда. Аҳоли дастурхонини турли хил мевалар билан тўкин қилаяпти.

Мен ҳам 10 гектар ер майдонида боғ барпо этдим. Шу билан бирга, 7 та янги иш ўрни яратилди. Биз, тадбиркорлар банкдан ҳам, бизга яратиб берилган имтиёзлардан ҳам кўнглимиз тўқ, ҳаётимиз фаровон.

Воҳиджон ЁҚУБЖОНОВ,
«Чақмоқ плюс» фермер хўжалиги раҳбари:

— Кўп тармоқли фермерлар сони тобора кўпайиб, ишлаб чиқаришда ҳам фермерлар ҳиссаси ошиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. Халқимизни сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга астойдил бел боғлаб, вилоятимиздаги «Агробанк»нинг Жиззах ҳудудий филиалига мурожаат этдик. Банк ходимлари лойиҳамизни кўриб чиққач, бизга зарур бўлган 75 млн. сўм кредит ажратиб берилди. Банк билан самарали алоқаларимиз туфайли фаолиятимиз кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Айни пайтда қорамоллар наслини яхшилаш, кўпайтириш ва янги иш ўринлари барпо этишга эришдик. Ҳозирда қўшимча 10 киши иш билан таъминланди. Ўйлаймизки, «Агробанк» бундан буён ҳам яқин ҳамкоримиз бўлиб қолади.

Насиба ИСМАТОВА,
«Ishonch» мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 00.30
Topshirildi - 00.50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 318 | 22448 nusxada bosildi | 1 2 3 4